ЯНГИ, БУЮК ЖАСОРАТ!

Ватандошларимиз яна космик фазода. „Восход-2“ кемасининг космонавтлари П. И. Беляев ва А. А. Леоновлар қаҳрамонлигидан бутун жаҳон қойил

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 54 (3026). | Жума, 19 март 1965 йил. | Баҳоси 2 тийин.

СИЗЛАРНИ ҚУЧАМИЗ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ТАБРИГИ

Азиз ўртоқлар! Шавкатли космонавтларимиз Павел Иванович Беляев ва Алексей Архипович Леонов!

Сизларни жуда катта жасоратингиз — улуғ социалистик Ватанимиз шуҳратини яна бир карра оширувчи жасоратингиз билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, Совет ҳукумати ва бутун совет халқи номидан дилимиз ҳаяжонланган ҳолда астойдил ва самимий табриклаймиз.

Инсоният тўлқинлантирувчи дамларни бошдан кечирмоқда — инсон жаҳонда биринчи марта Коинот эшигини айни маънода дангал очди. У космик кема ичидан космосга чиқди, топшириқни бажариб, омон-эсон кема ичига қайтиб кирди. Жонажон совет кишиларининг мана шу мисли кўрилмаган зафарни қучаётганликларини биз КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолари ифтихор ва ҳаяжон билан кўриб турдик.

Сизларнинг қаҳрамонона парвоз қилганлигингизни эшитиб бутун совет халқи ниҳоятда хурсанд бўлди ва Ватаннинг фахрли топшириғини нақадар мардлик ва олий ҳиммат билан адо этаётганлигингизни бутун совет халқи зўр меҳр-муҳаббат билан кузатиб турибди. Космосдаги энг улуғ ва журъаткорона илмий ишлар Совет Иттифоқида амалга оширилаётганлигини жаҳон билади. Аммо сизлар, Павел Иванович ва Алексей Архипович кўрсатган жасорат энг дадил орзу ҳаёлдан ҳам зиёда бўлиб кетди.

Сизларнинг парвозингиз ва инсоннинг кема ичидан космосга чиққанлиги — совет халқининг, Коммунистик партиянинг, фанимиз ва техникамизнинг буюк зафаридир. Сизларнинг жасоратингиз тинчлик ва башарият тараққиёти мақсадларига хизмат қилади.

Сизларнинг, азиз ўртоқларимиз, космосда муваффақиятли парвоз қилмоғингизни ва жонажон Совет тупроғига эсон-омон қайтмоғингизни тилаймиз. Сизларни Ватанимиз пойтахти — Москвада орзиқиб кутамиз.

Сизларни ғойибона қучоқлаймиз ҳамда сизларга яна бир карра муваффақият ва Ерга омон-эсон қайтиб тушишингизни тилаймиз!



Полковник П. И. Беляев

«ВОСХОД-2» КЕМАСИНИНГ КОМАНДИРИ КОСМОНАВТ-УЧУВЧИ

Павел Иванович **Беляев** 1925 йил 26 июнда Вологда областининг Рослятино районидаги Челишчево қишлоғида туғилган. У 1949 йилдан бери КПСС аъзоси.

1942 йилда ўн йиллик мактабни тамомлагандан кейин заводга ишга киради

1943 йилда кўнгилли равишда Совет Армияси сафига кириб, ўзини учувчилар билим юртига юборилишини илтимос қилади. Павел Ивановичнинг илтимоси қондирилиб у учувчилар билим юртига юборилади. У 1945 йилда билим юртини муваффақият билан тугаллайди.

Қирувчи учувчилик вазифасида Япония билан бўлган урушда қатнашади, шундан кейин эса турли ҳарбий қисмларда хизмат қилишни давом эттиради.

Қўмондонлик Павел Ивановичнинг самолётни довюраклик билан дадил бошқаришини таъкидлаб, унинг учувчилик фазилатларига юксак баҳо беради.

1959 йилда унга «2-класс ҳарбий учувчи» деган даража берилади.

1956 йилда уни энг яхши командир-учувчилардан бири қатори Қизил байроқли Ҳарбий-ҳаво академиясига ўқишга юборадилар, бу академияни 1959 йилда тамомлаб чиқади.

Павел Иванович ҳозирги вақтда Қизил байроқли Ҳарбий-ҳаво академиясининг адъюнктурасида сиртдан ўқимоқда.

Космик кема командири Павел Иванович **Беляев** махсус машқларни муваффақиятли тамомлади. Кеманинг тузилишини мукаммал ўрганиб олди. Кема командири сифатида аъло даражада тайёргарлик кўрди. Ўзи яхши парашютчи.

Совет Армиясида яхши хизмат қилганлиги учун «Қизил юлдуз» ордени, «Жанговар хизматлари учун», «Германия устидан қозонилган ғалаба учун», «Япония устидан қозонилган ғалаба учун», «Совет Армияси ва флотининг XXX йиллиги», «СССР Қуролли Кучларининг 40 йиллиги», I ва II даражали «Бенуқсон хизмати учун» медаллари билан мукофотланган.

Павел Иванович Татьяна Филипповна **Беляевага** уйланган. **Беляев**лар оиласида икки бола бор: қизлари Ирина 1949 йилда ва Людмила 1955 йилда туғилган.

Космонавтнинг отаси Иван Парменович **Беляев** 1959 йилда вафот этган.

Онаси Аграфена Михайловна 1963 йилда вафот этган.



Подполковник А. А. Леонов

«ВОСХОД-2» КЕМАСИНИНГ ИККИНЧИ УЧУВЧИСИ КОСМОНАВТ-УЧУВЧИ

Алексей Архипович **Леонов** 1934 йил 30 майда Кемерово областининг Тисуль районидаги Листвянка қишлоғида туғилган. У 1957 йилдан бери КПСС аъзоси.

1953 йилда комсомол қабули билан учувчилар билим юртига киради. Чугуевка учувчилар ҳарбий авиация билим юртини аъло баҳолар билан тамомлагач, Леонов ҳарбий-ҳаво кучларининг турли қисмларида хизмат қилади.

Қўмондонлик Алексей Архиповичнинг учувчига хос яхши фазилатларини: матонатлилигини, вазминлигини, юксак даражада интизомлилигини қадрлаб, унинг ҳақида яхши фикрлар билдиради. Унга «3-класс ҳарбий учувчи» деган даража берилган. Ўзи яхши парашютчи бўлиб, ҳар хил даражада мураккаб бўлган парашют билан 115 марта сакраган. 1960 йилда унга «Ҳарбий-ҳаво кучларининг парашютчи-десантчиларини тайёрловчи инструктор» унвони берилган.

Космик экипаж аъзоси космонавт-учувчи Алексей Архипович **Леонов** махсус машқларни муваффақиятли тамомлади, космик кеманинг тузилишини аъло даражада ўрганиб олди ва космосда парвоз қилиш вақтида мураккаб вазифаларни бажаришга бенуқсон ҳозирлик кўрди.

Подполковник **Леонов** профессор Жуковский номидаги Ҳарбий-ҳаво инженерлик академиясида ўқимоқда.

Совет Армиясида қилган ҳалол хизмати учун у «Қизил юлдуз» ордени ҳамда «СССР Қуролли Кучларининг 40 йиллиги» ва III даражали «Бенуқсон хизмати учун» медаллари билан мукофотланган.

Ўртоқ **Леонов** бошланғич партия ташкилоти секретарининг ўринбосари қилиб сайланган. У деворий газетага редакторлик қилади, суратқашлик билан қизиқади, унинг космодромда чизган суратларини вақтли матбуот саҳифаларида кўриш мумкин эди.

Алексей Архипович катта ва аҳил оилада ўсиб, тарбия топган.

Унинг отаси Архип Алексеевич Леонов ҳозирги вақтда пенсионер.

Онаси Евдокия Минаевна рўзғор ишлари билан шуғулланади.

Алексей Архипович Светлана Павловна Леоновага уйланган, уларнинг 1961 йилда туғилган Виктория исмли қизи бор.

ТАСС АХБОРОТИ

1965 йил 18 март Москва вақти билан соат 10 да Совет Иттифоқида «Восход-2» космик йўлдош кемаси қудратли учирувчи ракета билан ер йўлдошн орбитасига чиқарилди. Космик йўлдош кемани кема командири космонавт учувчи полковник Павел Иванович Беляев, иккинчи учувчи — космонавт учувчи подполковник Алексей Архипович Леоновдан иборат экипаж бошқариб бормоқда.

«Восход-2» йўлдош кемаси ҳисоблаб қўйилган орбитага яқин орбитага чиқарилди.

Дастлабки маълумотларга қараганда, йўлдош кема ер атрофини 90,9 минутда айланиб чиқади, ер юзасига энг яқинлашган нуқтаси (перигейида) 173 километр ва ер юзасидан энг узоқлашган нуқтаси (апогейида) 495 километр, орбитанинг оғиши 65 градусга яқин.

«Восход-2» космик кемаси билан тўхтовсиз икки томонлама радиоалоқа қилиниб турибди.

Кема командири ўртоқ Павел Иванович Беляевнинг докладига қараганда, шунингдек телеметрик ўлчовлар берган маълумотларга қараганда, кемани орбитага чиқариш ва вазисизлик ҳолатига ўтиш чоғида экипаж ўзини қониқарли ҳис қилган.

Беляев ва Леонов ўртоқлар тадқиқотлар программасига мувофиқ иш олиб бормоқдалар, улар ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар.

«Восход-2» космик кемасидан маълумотлар 143,625; 17,365 ва 18,035 мегагерц частоталарда берилиб турибди. Кемада 19,996 мегагерц частотада ишлайдиган «сигнал» передатчиги ҳам ўрнатилган.

Космик кемадаги системаларнинг ҳаммаси нормал ишлаб турибди.

* * *

Бугун, 1965 йил 18 мартда Москва вақти билан соат 11 дан 30 минут ўтганда «Восход-2» космик кемаси парвоз қилиб юрган маҳалда инсон биринчи марта кема ичидан космик фазога чиқди.

Ер курраси ни иккинчи марта айланиб учиш вақтида иккинчи космонавт учувчи подполковник Алексей Архипович Леонов ҳаёт кечиришни таъминловчи системаси мустақил ишлайдиган махсус скафандрда космик фазога чиқиб, кемадан беш метргача узоқлашди, белгиланган тадқиқотлар ва кузатишлар комплексини муваффақиятли ўтказиб, яна кемага омон-эсон қайтиб кирди.

Ўртоқ Леоновнинг космик фазога чиққан вақти, унинг кема ташқарисида қилган иши ва кемага қайтиб кириши кемадаги телевизион система ёрдами билан ерга кўрсатиб турилди ва ердаги пунктлар шахобчаси томонидан кузатиб борилди.

Ўртоқ Алексей Архипович Леонов кемадан ташқарида бўлган вақтида ва кеманинг ичига қайтиб киргандан кейин ўзини яхши ҳис қилди ва ҳозир ҳам яхши ҳис қилмоқда. Кема командири ўртоқ Павел Иванович Беляевнинг кайф-ҳоли ҳам яхши.

«Восход-2» кемасининг бундан буёнги парвози давомида қуйидаги ишлар бажарилади:

— Космик кемадаги системалар ҳар тарафлама ишлатиб кўрилади;

— Космик парвоз шароитида медицина-биологияга доир тадқиқотлар ва бошқа хил илмий тадқиқотлар ўтказилади.

Беляев ва Леонов ўртоқлар ишларни программага мувофиқ равишда ўтказишни давом эттирмоқдалар.

Космик кема ичидаги ҳамма системалар нормал ишлаб турибди.

Бундан буён парвоз қандай ўтаётгани ҳақидаги хабарлар Совет Иттифоқидаги ҳамма радио станциялар томонидан эшиттириб борилади.

Алексей ЛЕОНОВнинг кемадан ташқарига чиқиш тафсилотлари

«Восход-2» космик кемасининг парвози муваффақиятли давом этмоқда. Космонавт учувчи Алексей Леоновнинг кема ичидан космик фазога чиқиб, космосда бемалол сузиб юрган пайтини миллион-миллион телетомошабинлар экранларда кўрдилар. Космонавт кема ташқарисида бўлган вақтида кеманинг сиртини текшириб кўрди, кинокамера билан суратга олди ҳамда Ерни ва космик фазони визуал кузатишдан ўтказди. Космонавт Леонов программани бажариб бўлганидан кейин, кеманинг ичига қайтиб кирди.

Космонавт Леонов космик фазо шароитида ҳаммаси бўлиб 20 минутча, шу жумладан кема ташқарисида 10 минут турди. Космосга чиқиш ва кема ичига қайтиб кириш вақтидаги ҳамма ҳаракатларни космонавт кема командири контроли остида бажарди, у билан узлуксиз алоқа боғлаб турди. Кема командири полковник Беляев парвозни бошқариш марказига қуйидагиларни маълум қилди:

— Космонавтнинг космик фазога чиқиши ва кемага қайтиб кириши ҳақида белгиланган топшириқ тўла адо этилди. Кабинадаги параметрлар норма доирасида бўлиб турибди. Бундан кейинги ишлар қатъиян учиш программасига мувофиқ олиб борилмоқда.

Павел БЕЛЯЕВ: ИШОНЧИН ОҚЛАЙМИЗ

«ВОСХОД-2» КЕМАСИ КОМАНДИРИНИНГ КОСМОСГА УЧИШ ОЛДИДАН ЭКИПАЖ НОМИДАН АЙТГАНЛАРИ

Азиз дўстларимиз! Ўртоқларимиз, Совет Иттифоқи космонавтлари бошлаб берган космик фазони эгаллаш соҳасида Коммунистик партия ва Совет ҳукумати бизларга, икки совет гражданига янги топшириқни бажаришни ишониб бўюрганликларидан гоят бахтиёр эканлигимизни айтиб адо қилолмаймиз.

«Восход-2» кемамизнинг бу учиши космосни тадқиқ қилиш ва ўзлаштиришда янги муҳим даврдир. Инсон тарихда биринчи марта ер сунъий йўлдошининг орбитасида жонажон юртига кема иллюминаторидан ташқарида туриб назар ташлайди.

Бизга берилган топшириқни бажаришнинг гоят муҳим иш эканлигини яхши тушунамиз ва Коммунистик партия ленинчи Марказий Комитетини, Совет ҳукуматини, азиз ватандошларимизни, барча қариндошларимиз ва ёр-оғайниларимизни ишонтириб айтамизки, биз бутун билим ва маҳоратимизни, ирода ва ғайратимизни шу ишга бағишлаймиз, бизга кўрсатилган ишончни шараф билан оқлаймиз.

Жонажон юртимизда дийдор кўришгунча хайр, азиз ўртоқлар!



ИНСОН ЖАҲОНДА БИРИНЧИ МАРТА КЕМА ИЧИДАН КОСМОСГА ЧИҚДИ ВА КЕМАГА МУВАФФАҚИЯТЛИ ҚАЙТДИ

КОСМОС ТЎРИГА ЙЎЛ

Авжи пешин маҳали онла аъзоларимиз билан чақчақлашиб концерт эшитиб ўтирардик. Эфирдан дилни тўлқинлантирувчи диктор овози салобатли жаранглади. Яна икки совет баҳодири — фазо шунқорлари космос тўрига йўл олди. Офарин азаматлар!

Ўтган йили октябрь ойида космосга парвоз этган уч фазокор кўрсатган жасорат ҳали ҳамон тилларда достон бўлаётган эди. Бугунги бу қувончли хушхабардан кўнглимиз яна шодликка тўлди. «Восход-2» космик кемасида икки совет гражданн — полковник Беляев билан подполковник Леоновлар яна парвозда. Мен бу азамат икки фазокорни чин қалбимдан олқишлайман. Балли, эй шунқор фазокорлар! Совет фазо фанининг равнақи йўлидаги қўйган бу улкан қадамингиз хайрли бўлсин. Эсон-омон она ерга қайтингиз!

Собир АБДУЛЛА.
ёзувчи.

ҚЎШ ЎҒЛОНЛАР ПАРВОЗДА

Бугун яна хушхабар
Эфирдан ёзди қанот.
Москванинг бонгидан,
Қойил қолди коинот.
Советлар Ватанининг
Баҳодир шунқорларин,
Фазогир онланинг
Азамат ўғлонларин —
Оқ йўл тилар она — ер
Йўлдаб улуг сафарга.
Халқлар балли, яшанг дер
Сиз нучган шон-шарафга.
Ернинг қўш ўғлонларин
Фазо бағрига олди.
Хуш келинг, деб юлдузлар
Йўлга поёндоз солди.
Беляев, Леоновлар
Достон бўлди ҳар тилда.
Шунқорларнинг номлари
Нақшланди ҳар дилга.

Маъруф ҚОРИЕВ

„Восход“ — отим

Сени бизга бунёд этди илғор фан
Парвозда чаңмоқдан ўзган «Восход»сан,
Совет ботирларин солиб бортингга
Жаҳон осмонида кезган «Восход»сан.
Нима экан Гўрўғлининг Ғироти,
Афсонадан эди унинг қаноти.
Сен халқимнинг учқур пўлат нур оти,
Коинотда пойга урган «Восход»сан.
Минди дастлаб сени Гагарин шоввоз,
Сўнгра эгарлади Титов чавандоз.
Валлоҳ офтобга айлади парвоз,
Мардлар миниб нўкда кезган «Восход»сан.
Фикри-ҳаёлимдай учқур, ўткирсан,
Бизни Марсдан нарига ҳам ўткар сан,
Ёдгорингни муродига етнар сан,
Шеърларимга нуч бахш этган «Восход»сан.

Ёдгор бахши ИСҲОҚОВ.

ЯНГИ САҲИФА

Космос фанида яна бир улкан, сермазмун саҳифа очилди. Қудратли совет кишисининг ҳар бир қутлуғ қадами жонажон Ватанимиз тарихи, йилномасида янги зарҳал саҳифалар очади. Куни кеча жасоратли совет космонавтлари — полковник Павел Иванович Беляев билан подполковник Алексей Архипович Леоновнинг коинотга қилган парвози ва парвоз пайтида қўлга киритилган қимматли маълумотлар совет фани ва техникаси равнақида жуда муҳим ўрин тутади, албатта.

Бу хушхабар ҳар бир совет кишисининг қалбини тўлқинлантириб юборди.

Парвоз ҳақидаги ахборот шифохонамиздаги беморлар орасига тез тарқалди. Беморларнинг ҳам, медицина ходимларининг ҳам қувончи чексиз. Совет баҳодирларининг жасоратига таҳсин ўқишмоқда улар.

Инсоннинг жаҳонда биринчи марта кема ичидан космосга чиқиши ва яна кемага эсон-омон муваффақият билан қайтиши мисли-сиз жасорат ва буюк қаҳрамонликдир. Офарин, баҳодирлар!

Космонавтларнинг бу улкан сафари айниқса биз медицина ходимларининг фахрига фахр, ғайратига ғайрат қўшди. У инсон саломатлиги, совет фарзандларининг соғлом, баҳодирона ўсиши йўлидаги вазифамиз ва масъулиятимизни янада оширишга ундайди.

Б. ҚОСИМОВ.
«Тошсовет» шифохонасининг бош врачи.

ЭГИЗАКЛАР

Шунақа янгиликлар ҳам бўладики, уларни қайта-қайта эшитсанг ҳам барибир ҳаяжонланаверасан, киши. Фазо сирларини очаётган космонавтларимизнинг янги парвози кўнглимга қувонч, билакларимга тағин ҳам кўпроқ куч-қувват бағишлади.

Полковник П. И. Беляев ва подполковник А. А. Леонов ўртоқларнинг космик парвози ҳақидаги ТАСС ахборотини эшитганимизда бригадамиз йигитлари билан иш устида эдик. Бир лаҳза тўхтаб репродуктор ёнига тўпландик. Суюнчимиз чексиз эди. Бир-биримизни қучдик, ўпдик. Ғалаба билан бир-биримизни табриклашдик.

Баракалла эгизак космонавтлар! Она-Ватан тупроғига эсон-омон қайтинглар, сизо сирларини ўрганишдек шарафли вазифани муваффақиятли бажаринглар, дейман бригадамиз аъзолари номидан.

Ҳ. ҚОСИМОВ.

Тошкентдаги 159-қурилиш трести сувоқчилар бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ҚУВОНЧ УСТИГА ҚУВОНЧ

Куни-кеча мен икки катта қувончли воқеанинг шоҳиди бўлдим. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида областимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига партия ва ҳукуматимизнинг олий мукофотлари — орден ва медаллар топширилаётган бир пайтда дилларни қувончга тўлдирадиган ажойиб хушхабар эшитдик. Коинотнинг сирларини очаётган жасур совет ўғлонларининг сафига яна икки киши қўшилибди. Бортида полковник Павел Иванович Беляев ва подполковник Алексей Архипович Леонов ўртоқлар бўлган «Восход-2» космик кемаси муваффақиятли суратда ер орбитасига чиқарилибди.

Бу хушхабар залда ўтирган меҳнаткашларнинг бир қувончига ўн қувонч қўшиб юборди. Мен миллионларча совет кишилари қатори шундай ажойиб, мўъжизаларга бой бўлган бир замонда яшаётганлигим билан ғоят фахрланаман.

Поёни йўқ коинотга йил сайин кетма-кет қудратли кемалар, жасур кишилар учирилаётган экан, бу жонажон Советлар диёри тобора юксак чўққиларни эгаллаётганлигидан ёрқин далолат бериб турибди. Қадрдон мамлакатимиз янада гуллаб-яшнайверсин, куч-қудрати янада ошаверсин!

М. ЎРМОНОВ,
«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг комплекс механизациялашган звеноси бошлиғи, механизатор.

ОФАРИН

Мана космосда яна совет баҳодирлари учаяпти!

Бортида икки совет космонавти бўлган «Восход» космик кемасининг бу парвози, инсоннинг космосни эгаллашида коинот тўғрисидаги фанга қўшилган яна бир муҳим хиссадир. Биз, астрономлар, совет олимлари мамлакатимиз фани ва техникасининг қудрати ва улуғворлигини яна бир марта бутун жаҳонга намойиш қилганларидан жуда хурсандмиз.

Пешқадамлик яна биз совет кишилари қўлида эканлигидан беҳад қувонмоқдамиз. Совет кишиси космосни айни маънода ўз қўли билан ушлаб кўрди. Биз «Балли, азаматлар! Офарин, совет олимлари» деймиз.

В. ШЧЕГЛОВ,
Тошкент астрономия обсерваториясининг директори, профессор.

ҲАМКАСБЛАРИМ ЯНА ФАЗОДА

Яна ғалаба, яна муваффақият. Москва радиоси эшиттирган хабар жаҳонни ҳайратда қолдирди: совет граждалари полковник П. И. Беляев ва подполковник А. А. Леонов ўртоқлар фазога сафар қилишипти. Қувониб кетдим, бенихтиёр намланган нўзларимни артдим. Яшанг азаматлар, яшанг ҳамкасблар!

Мен ҳам учувчиман. Ҳарбий хизматни ўтаган вақтимда Ватан чегараларини фахр билан қўриқлаганман. Фақат жасоратли кишиларгина учувчи бўла олади назаримда. Чунки мен билан бирга хизмат қилган йигитларнинг барчаси соғлом ва довюрак кишилар эди. Ҳозир нўкда сайр қилиб юрган космонавтлар ҳам бир пайтлар биз каби оддий учувчи бўлишган. Улар билан қанчалик фахрлансак, космонавт учувчилар шаънига тасаннолар ўқисак арзийди. Сафарингиз бехатар бўлсин, азизлар!

А. АБДУФАТТОҲОВ,
қишлоқ хўжалик авиацияси самолёт командири.

МИСЛСИЗ МАРДЛИК БУ

Меҳнат, ижод билан халқим топиб шон,
Жаҳондан-жаҳонлар очмоқда бу кун.
Ленин даҳоси-ла ўтсин деб ҳар он,
Қуёш тилла дурин сочмоқда бу кун.
Кўчиб юлдузлардан юлдузлар томон,
Эгизак космонавт учар самода.
Сайёралар базми авж олиб ҳар он,
Юлдузлар нулгуси кезар сабода.
Замондош Беляев, Леонов ўртоқ,
Мислсиз мардлик бу дейман, мен хушҳол.
Сиз очган сўқмоқлар янги бир жаҳон —
Деман, Ойга учиш яқин истиқбол.

Тўлқин ҲАКИМОВ.



ҚАҲРАМОНЛАР ҚИЗИЛ МАЙДОНДА

«Восход-2» космик кема-йўлдошининг командири учувчи-космонавт полковник Павел Иванович Беляев (чапда) ва «Восход-2» космик кема йўлдошининг иккинчи учувчиси-космонавт подполковник Алексей Архипович Леонов Қизил майдонда космоса учиш олдидан.

ЧЕРЕДИНЦЕВ фотоси, ТАСС-ЎзТАГ.

ҲУКУМАТ МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришда қилган жуда катта хизматлари учун СССР Олий Совети Президиуми фармони билан мукофотланган Тошкент областининг саноат, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданият ходимларидан катта бир группасига 17—18 мартда тантанали суратда орден ва медаллар топширилди. Ҳукуматнинг олий мукофотларини КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, СССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Ё. С. Насриддинова, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов ўртоқлар топширдилар.

Мукофотланганлар номидан Калинин районидаги «Ленинизм» колхозининг раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Ортиқов, Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхоз аъзоси Т. Тўйчиева, Бўка район халқ маорифи бўлимининг мудири А. Солнев, Бекобод шаҳар партия комитетининг секретари И. Ҳуснитдинов ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқиб, ўз меҳнатларини шунчалик юксак тақдирлаганликлари учун Коммунистик партия ва Совет ҳукуматига чин юракдан ташаккур билдирдилар ва бу йилни ҳам янги ғалабалар билан якунлашга қатъий қарор қилганликларини айтдилар.

Ш. Р. Рашидов, Ё. С. Насриддинова ва В. Г. Ломоносов мукофотланган ўртоқларни қизғин табрикладилар ва уларга сиҳат-саломатлик, меҳнатда катта муваффақиятлар тиладилар.

ОБЛАСТЬ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

Кеча Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида область қишлоқ хўжалиги ходимларининг кенгаши бўлиб ўтди. Область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **М. Абдураззоқов** қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг ўтган йилги ишлари якунлари ва бу йилги вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Доклад юзасидан бўлган музокараларда Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси **М. Рўзиматов**, 1-«Оққўрғон» совхозининг директори **Т. Набиев**, Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг комплекс механизациялашган звеноси бошлиғи **Р. Содиқов**, СоюзНИХИ илмий ходими **Кошкаров**, Калинин районидаги Карл Маркс номли колхоз раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Ғ. Абдуллаев**, Бўка районидаги «Ленин йўли» колхозининг раиси **И. Бўрихўжаев** ўртоқлар сўзладилар.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Ш. Р. Рашидов** иштирок этди ва нутқ сўзлади.

(Кенгаш ҳақидаги ҳисобот газетанинг навбатдаги сонида босилади).

СОЗ ҚУРАЙЛИК

Областимиздаги қайсибир шаҳар ёки қишлоққа борманг ҳамма жойда кенг кўламда қурилиш олиб борилаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Ҳақиқатан ҳам бизда капитал қурилиш ишлари йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Саноат корхоналари, уй-жойлар, маданий-маиший муассасалар қўплаб ишга туширилмоқда. Етти йилликнинг охирги йилида эса қурилиш-монтаж ишлари ҳажми янада ортади.

Ҳақиқатан ҳам қурилишимиз суръати жадалдир. Лекин ажратилган капитал маблағнинг ҳарбир сўмидан ўз ўрнида фойдаланиш, қурилишлардаги ички резервларни ишга солиш керак. Айниқса қурилиш сифатини кескин ошириш даркор. Сифат учун кураш жуда катта халқ хўжалиги аҳамиятига эга. Шунинг учун ҳам ҳарбир қурилиш ташкилотида Москва ва Ленинград саноат корхоналари коллективларининг маҳсулот сифатини тубдан яхшилаш юзасидан бошлаган ташаббусларини кенг оммалаштириш лозим.

Қурилиш ташкилотлари коллективларининг ўтган хўжалик йилидаги ишларига якун ясалаётган ва бу йилги вазифалар белгиланаётган ҳозирги вақтда ишнинг сифат кўрсатгичларига алоҳида эътибор бериш зарур. Кўпчилик бинокорларимиз шундай қилишяпти ҳам. Улар фақатгина тез қурмай, шу билан бирга сифатли қуриш учун курашмоқдалар.

Ҳаммага маълумки, Чирчиқдаги 160-тресги республикамизнинг энг пешқадам қурилиш ташкилотларидан ҳисобланади. Трест коллективи ўтган йили 90 процент саноат объектлари, маданий-маиший муассасалар биноларни «аъло» ва «яхши» баҳолар билан фойдаланишга топширди. Троицк посёлкасидаги 964 ўринли ўрта мактаб, 1-464 АСП 9 сериясидаги йирик панелли уй, 1-310-И сериясидаги ғиштдан қад кўтарган 6-уй бинои намунали қурилган, яъни эталон деб белгиланди. Трестнинг қатор бригадалари, участкалари ана шу объектларда сифатли қуриш усулларини ўрганмоқдалар.

Ўтган йили кўпгина бинокорлик бригадалари уй-жойларни гаранияли паспортлар билан фойдаланишга топширдилар. Трестда биринчи бўлиб бу ишга Халил Чебанов бошчилигидаги бригада қўл урди. Бригада муттасил сифатли меҳнат қилмоқда. Улар қурган уйларга кўчиб кирган оилалар бинокорлар меҳнатидан хурсанд бўлишмоқда. Бригада аъзолари у ёки бу уйнинг жуда арзимаган нуқсони ҳам қолмаганлигига қаноат ҳосил қилганларидан кейингина бошқа объект қурилишига ўтишади.

Бу бригаданинг ташаббуси трестнинг уй-жой қурилишини олиб бораётган бошқармасидаги барча бригадаларда қўлланмоқда. Шунинг учун ҳам ҳамма уйлар гарантияли паспортлар билан ишга туширилаяпти. Бу қурилиш сифатини яхшилаш, харажатларини камайтиришнинг энг муҳим омилларидан биридир. Ҳозир эса Чирчиқ бинокорлари ҳарбир квадрат метр уй-жой майдонининг нархини 100 сўмгача камайтириш учун курашмоқдалар.

Трестда қурилиш сифатини яхшилаш мақсадида жуда кўп тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бошқармалар инженер-техник ходимлари учун қурилишнинг техник шартлари, нормалари ва қоидаларини ўрганиш юзасидан семинарлар вақти-вақти билан бўлиб туради. Бригадалар бир-бирларига ишни акт билан топширадилар. Масалан, ғишт терувчилар бригадаси бетончилардан ишни қабул қилиб олишади, камчилик бўлса, уни бартараф этишни бетончилардан талаб қилишади. Худди шундай сувоқчилар ғишт терувчилар ишини баҳолайдилар. Қурилиш майдонларида сифат бўйича махсус журналлар жорий қилинган. Бу журналларга бажарилган ишларнинг ҳажми ва турлари, уларнинг сифати, шу билан бирга йўл қўйилган камчиликлар, брак қайд қилиб борилади.

6-қурилиш тресги ташкилотларида ҳам бошқалар намуна олса арзийдиган ишлар анчагина бор. Трест коллективи қурилиш майдонидан бракни йўқ қилиш учун жуда кўп тадбирлар кўраяпти. Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги системасидаги трестлар ичида биринчи бўлиб сифат бўйича бош инспектор лавозими ҳам шу ерда ташкил этилди. Бош инспектор ҳозирги вақтда қурилиш сифати устидан кун сайин назорат олиб бораяпти. Бу яхши натижалар бермоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки, трестда илғор ва сифатли меҳнат қилаётган коллективлар йўқ эмас. 704-УНР коллективи Бекободда қурган қатор объектлар намунали деб таъкидланди. 964 ўқувчига мўлжалланган ўрта мактаб, «Октябрь 46 йиллиги» совхозида 18 квартирали уй шулар ҳисобига киради. Ҳозирги вақтда мана шу объектларни қурган пешқадамлар тажрибаси барча бинокорлар ўртасида кенг оммалаштирилаяпти.

«Алмаликсвинецстрой» трести коллективининг қўлидан чиққан айрим объектларнинг сифати ҳам яхши. Мис эритиш заводининг электролит цехи, Чигириқ металл конструкциялари заводининг бош корпуси, металлургларнинг маданият саройи жуда сифатли қурилган. Трестда илғор тажрибани ёйишга алоҳида эътибор бериляпти. Сифатли ишлаётган бинокорлар, рационализаторлар ҳар томонлама рағбатлантирилмоқда. Бу ерда қурилиш сифатини текшириш юзасидан рейдлар тез-тез ўтказиб турилади. Фойдаланишга топширилган уйларга уни қурган бинокорлар келиб, уларда истиқомат қилаётган меҳнаткашларнинг фикрларини олишади. Яшовчилар билан бундай алоқада бўлиш яхши натижа бермоқда. Бинокорлар меҳнаткашларнинг эътирозлари асосида йўл қўйилган камчиликларни тезда бартараф этишмоқда.

Лекин умуман олганда область қурилиш ташкилотларида ишнинг сифат кўрсаткичлари кўнгилдагидек эмас. Айрим объектларни қуриш замонавий техника талаблари даражасида эмас. Қурилиш индустриясининг ривожланиш суръати паст.

Баъзи объектлар қурилишида йўл қўйилган бракларни бартараф этиш учун жуда кўп маблағ сарфланмоқда. Масалан, Янгийўлдаги 48 квартирали уйни қуришда йўл қўйилган камчиликларни тўғрилаш учун бир неча минг сўм харажат қилинди. Бу уйда айвон, зина майдончалари элементлари ва бошқа темир-бетон конструкциялари нотўғри монтаж қилинган эди. Шунинг учун ҳам Янгийўл шаҳар ижроия комитети уни қурган қурилиш-монтаж бошқармасидан қабул қилмади. Худди шу бошқарма раҳбарларининг айби билан Чиноз посёлкасидаги янги касалхона биносида пардозлаш ишлари чалакам-чатти бажарилди. Натижада бу иш қайта қилинди. Бу билан коллектив бир неча минг сўмлик иқтисодий зарар кўрди.

Олмалиқ, Оҳангарон ва Чирчиқ шаҳарларида қад кўтараётган қатор саноат объектлари, уй-жойлар, нинг сифати ҳам кўнгилдагидек бўлмаётир. Ваҳоланки, ана шу ишларни амалга ошираётган қурилиш ташкилотларида сифат кўрсатгичларини яхшилаш учун барча имкониятлар бор: машина ва механизмлар етарли, кўпчилик бинокорлар малакали инженер-техник ходимлар етарли маълумотга эга. Лекин бу ташкилотларнинг раҳбарлари коллектив фикрини-ки қурилишни тезлаштириш билан бирга унинг сифатини яхшилашга сафарбар этмаётирлар. Сифатли қуриш юзасидан социалистик мусобақа авж олдирилмаяпти. Кўнгилдагидек меҳнат қилаётган бинокорлар етарли рағбатлантирилмаётир.

Лекин бинокорларимизнинг сифатли ишлашига ҳалақит бераётган бошқа камчиликлар ҳам бор. Объектларнинг сифатли қурилиши кўп жиҳатдан бинокорлик материалларига ҳам боғлиқ. Бундай материаллар қанчалик сифатли бўлса иншоотларимиз ҳам шунчалик яхши қурилади. Шунинг учун қурилиш индустрияси корхоналари коллективлари ўзлари тайёрлаётган бинокорлик материаллари сифатини муттасил яхшилашлари керак. Аммо кўпчилик заводларда шундай қилинмаётир. Миқдор кетидан қувиб, маҳсулот сифатига етарли эътибор берилмаётир. Олмаликдаги ёғоч ишлаш заводида тайёрланаётган бинокорлик материалларининг сифати жуда паст, кўп ҳолларда улар брак қилинмоқда. Шу ердаги темир-бетон буюмлари заводи коллективи ишининг ҳам сифат кўрсатгичлари ёмон. У ҳақли равишда бинокорларнинг норозиликларига сабаб бўлмоқда. Чирчиқ бинокорлари эса керамзит-бетон панелларининг сифати ёмонлигидан нолимоқдалар. 2 ва 9-ғишт заводларида тайёрланаётган ғиштларнинг сифати ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин.

Бу йил қишлоқларда капитал қурилиш анча кенгаяди. Жуда кўп хўжалик бинолари, уйлар қурилади. Лекин қишлоқ қурилишини пухта лойиҳалар ва сифатли бинокорлик материаллари билан таъминлашда катта камчиликлар бор. Кўп ҳолларда бирхил объектлар қурилиши учун ҳархил бинокорлик конструкцияларидан фойдаланиш кўзда тутилади. Бу лойиҳачиларимиз фаолиятидаги жуда катта нуқсондир. Чунки, бундай конструкцияларни жойларда ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган. Шунинг учун ҳам қишлоқ бинокорлари лойиҳада назарда тутилган жуда кўп конструкцияларни бошқа материаллар, жумладан ғишт, ёғоч билан алмаштиришга мажбур бўлмоқдалар. Ана шуларнинг ҳаммаси қишлоқ қурилишида индустриал методларни кенг жорий қилиш, қурилиш таннархини камайтириш, сифатини оширишга тўсқинлик қилмоқда.

Кўп қурган яхши. Лекин унинг сифатли бўлишига ҳам эришиш керак. Бунга эришиш учун қурилиш сифатини яхшилашга ёрдам берадиган барча имкониятлардан ишнинг кўзини билиб фойдаланиш лозим.

И. АХМЕТОВ,
Ўзбекистон ССР қурилиш министрлигининг старший инженери.

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ X ЧАҚИРИҚ I СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Шу йил 22 март эрталаб соат 11 да Ўзбек давлат эстрада театри биносида меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советининг X чақириқ I сессияси чақирилади.

Депутатлар театр биносида эрталаб соат 10 дан бошлаб рўйхатга олинадилар.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ.

СОВЕТ ФАНИ ВА ТЕХНИКАСИНИНГ УЛКАН ЗАФАРИ

АГРОЗООТЕХНИКА СОВЕТИ — ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТАШКИЛОТЧИ БЎЛСИН

1-«ОҚҚЎРҒОН» СОВХОЗИ АГРОЗООТЕХНИКА СОВЕТИНИНГ ТАДБИРЛАРИ



Ҳозирги деҳончилик маданиятини бундан бир неча йил илгариги даврга сира тенглаштириб бўлмайди. Эндиликда барча колхоз ва совхозлар ўзларининг билимдон, янгиликни кўрабиладиган, малакали агрономларига, техниканинг сирини, унинг юрагини беш қўлдай билиб олган инженерларига эга. Механизация жиловини маҳкам ушлаб, агротехника қонунини пухта ўрганиб, пахтазор водиларда мўл ва арзон «оқ олтин» етиштираётган юзлаб, минглаб тюпкочилар, турсунойчилар жавлон уришяпти.

Шундай экан, эндиликда колхоз ва совхозлардаги агрономлар, инженерлар, касбига меҳр қўйган механизаторлар пахтачиликда суяги қотган, тажрибакор деҳқонларимиз билан бамаслаҳат пахта ҳосилдорлигини, чорва маҳсулдорлигини қай йўл билан ошириш мумкин эканлигини ўзлари бемалол ҳал қилабиладилар.

Қайси чуқурликда шудгор қилиш лозим, ерни экишга қандай тайёрлаш керак, чигитни қайси муддатда экиш фойдали, озуқа қайси муддатда, қанча миқдорда берилади, қайси картадаги ғўза суватлаб? Чунончи чорвачиликни қайси йўл билан ривожлантириш мумкин. Мана шуларнинг хаммасига шу ишга жавобгар бўлган деҳқонларнинг, чорвадорларнинг ўзлари жуда тўғри ва оқилона амал қилабиладилар.

Партия ва ҳукуматимиз шунинг учун мўл ҳосил ва чорва маҳсулдорлигини қишлоқ хўжалигидан манфаатдор бўлган кишиларнинг ўзлари ҳал қилсинлар, деб жуда тўғри масалани ўртага ташлади. Ер, сув шароитини, имкониятни яхлаб ва меҳнат сарфлашга эришиш — **агрозоотехника советининг асосий вазифасидир.**

Агрозоотехника советининг состави катта бўлмаслиги керак. Шундай қилинганда совет аъзолари агротехника, зоотехника ҳамда об-ҳаво ва бошқа шарт-шароитлар туфайли келиб чиқадиган ташкилий масалаларни аниқ, тез ва бир йўла ҳал этаоладилар.

1-«Оққўрғон» совхози агрозоотехника советига пахтачилик илмини яхши билган, касбига меҳр қўйган кишилардан 20 киши сайланди. Улар орасида қишлоқ интеллигенциясининг — мутахассислар, дала гвардиячилари, деҳқончилик билан муттасил шуғулланиб келаётган тажрибали отахонлар ҳам бор.

Агрозоотехника советининг биринчи йиғилишида совхознинг бош агрономи ўртоқ Р. Абдурахмонов советга раис, тажрибалик кекса пахтакор Умурзоқ ота Норбеков унга ўринбосар этиб сайланди. Ўртоқ Абдурахмонов совет олдига қўйилган вазифа ва мақсадни йиғилганларга тушунтириб берди. Совхоз 1964 йилда 2600 гектар ернинг ҳар гектаридан пландаги 23,9 ўрнига, 25,3 центнердан ҳосил кўтарди, 3813 тонна пахта машинада терилиб, бу соҳадаги план 138 процент бажарилди. Чигит экишдан тортиб йиғим-теримгача бўлган ишларнинг ҳаммаси агротехника қоидаларига амал қилиб ўтказилганлиги, деҳқончилик маданияти юксак даражага кўтарилганлиги туфайлигина ана шундай ютуққа эришилди.

— Бу ҳали дастлабки қадам, — деди ўртоқ Абдурахмонов, — ҳали олдимизда жуда катта вазифа турибди. Ахир бизнинг ерimиз, сувимиз, шароитимиз «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозидан фарқ қилмайди-ку. Нега биз уларга тенглаша олмаймиз? Нега биз ҳар гектаридан 30 центнердан «оқ олтин» кўтара олмаймиз? Йўқ, ҳамма гап фан ютуқлари билан илғорлар тажрибасини ишлаб чиқаришимизда кенг қўлланиш, ернинг ҳосилдорлигини ошириш йўлида астойдил курашишда қолган.

Советнинг биринчи йиғилишида чигит экишга қандай тайёрланиш лозимлиги масаласи муҳокама қилинди. Барча пахта майдонлари ўтган йилнинг декабрь ойидаёқ сифатли шудгорлаб қўйилган. 1600 гектар ерга шудгор олдидан озуқа берилган. Экишдан олдин ва экиш вақтида озиқлантириш мақсадида минерал ўғитлар келтириб қўйилган. Механизация мавсумга тахт.

— Ерни сифатли тайёрлаш деҳқоннинг биринчи галдаги иши, — деди бўлим бошлиғи ўртоқ К. Отаниқов, — ерда нам сақлайман, десак борона қилишни уч-тўрт иш кунида тамомлашимиз лозим. Карталарни планировка қилишни қўлда эмас, ҳаммасини грейдерда бажарсак, ҳам ер текис бўлади, ҳам вақтдан ютамиз. Кейин бирон гектар ерга ҳам чизелламасдан туриб чигит экмайлик. Чизеллаб эксак эди бош кўтариб келаётган бегона ўтлар ўлади. Ғўза парваришида бир ярим чопиқ миқдорида фойдаси тегади.

— Чигитни, — деди кекса пахтакорлардан, совет аъзоси Турдиали ота Қурбонов, — экиш олдидан ивитишда жуда эҳтиёт бўлиш керак. Бултур шундай воқеа бўлди. Кўп чигит ивитиб қўйдик. Ер пешма-пеш тайёр бўлмади. Ивиган чигит ниш уриб қолди, экишга ярамади. Баъзан бўлса кам чигит ивитдик. Карталар кетма-кет тайёр бўлиб, уруғ етишмай қолди. Мана бунақанги плансиз ишларга энди йўл қўймайлик. Ундан кейин экишни аввало паст-баланд жойлардан бошлаган маъқул. Текис карталарга қадалган чигит барвақт унаверади.

Агрозоотехника советида бундан буён беда алмашлаб экишни тўғри йўлга қўйиш, бегона ўтлар илдизи билан йўқотилган ерларда кўчатларини кўпайтириш мақсадида 60×60 эмас, 60×50, 60×45 схемасида чигит экишга кўчиш, иккинчи класс эмас, биринчи класс уруғдан кўпроқ фойдаланиш кабн жуда кўп масалалар муҳокама қилиниб, ўзаро келишиб олинди.

1-«Оққўрғон» совхозида тузилган дастлабки агрозоотехника совети дала ишларини ўтказишдан олдин қайси муддатларда йиғилиш ўтказишларини қуйидагича белгилаб олишди.

1. **Кўклам-дала ишларининг бошланиши олдидан,**
2. **Чигит экиш олдидан,**
3. **Қатор ораларига ишлов бериш ва ғўза парваришининг бошланиши олдидан,**
4. **Биринчи суғориш ўтказилиши олдидан,**
5. **Ялпи гуллаш ва ҳосил тугиш даврида,**
6. **Ғўзани чеканка қилиш олдидан,**
7. **Дефолиация ўтказиш ва ҳосил йиғим-терими олдидан,**
8. **Ер ҳайдаш олдидан.**

Агрозоотехника совети н и н г планлаштириб қўйилган йиғилишлари зарур бўлиб қолган вақтда навбатдан ташқари ҳам ўтказилади.

Совет совхоз директори қарори билан тасдиқланган экишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида ишни ташкил этиш юзасидан берилган кўрсатмаларни муҳокама қилди ва ишлаб чиқди.

СОВЕТНИНГ КЎРСАТМАЛАРИ

Тупроқнинг етилишига қараб уч кун ичида оғир бороналар билан ҳамма майдонларда борона ўтказилсин. Шудгор сифатсиз ўтказилган участкаларда ернинг етилишига қараб отвалсиз плутлар билан қайта ҳайдалсин ва кетидан дискли борона билан борона ўтказилсин.

Борона ўтказилгач, майдонлар экиш олдидан текислансин. Ер ости сувлари чуқур жойлашган участкаларда майдонларни экиш олдидан суғориш, тупроқда етарли нам тўплаш мақсадида жўяк ва ўқ ариқлар олинсин.

Бегона ўтга қарши кураш бўйича асосий ишлар ерни экишга тайёрлаш даврида амалга оширилиши лозим. Шу мақсадда чизеллар, паровой культиваторлар ва осма бороналар ёрдамида майдонлар кўпйиллик бегона ўт илдизларидан тозалансин.

Ўтлар ўсиб кетмасин учун экиш олдидан майдонлар культивация қилинсин. Чизел ва паровой культиваторларнинг иш органлари тупроққа етти-саккиз сантиметр ботиб туриши лозим. Культивация кўндалангига ёки узунасига ўтказилади.

ЗАРАРКУНАНДАЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

Қишлоқ хўжалик зараркунандаларининг қурт, ғумбак ҳосил қилишларига йўл қўймаслик учун 5-6 кун ичида карталар атрофи, йўл ва сугориш шоҳобчалари бўйидаги бегона ўт қолдиқларини куйдириб ташлаш керак.

ОЗИҚЛАНТИРИШ

Илгари шудгорлаш олдидан фосфор берилмаган карталарга суперфосфат йиллик нормасининг 60-70 процентини солиш керак. Ўғит чизеллаш билан берилади. Ў ўғитлагич аппаратлари ёрдамида 18 сантиметр чуқурликка солинади.

Юқори ҳосилли участкаларда эса йиллик норма бўйича азотнинг 20-25 процентини ва калийнинг 40-60 процентини солиш керак. Ўғит осма культиваторга ўрнатилган ўғитлагичлар ёрдамида 15-18 сантиметр чуқурликка солинади.

УРҒУНИ ЭКИШГА ТАЙЁРЛАШ

Келтирилган чигитни тўғри сақлаш, унинг бузилиши ва омбор зараркунандалари томонидан зарарланмаслигини таъмин этиш керак.

Ўтган йилги ижобий тажрибаларни ҳисобга олиб чигитни «НРВ» стимуляторлари, янтарь кислотаси ва ацетон билан ишлашни ташкил қилиш керак.

ЧИГИТ ЭКИШ

Экиш агрегатларининг ҳаммасини зарур асбоблар ва экиш билан бир вақтда ерга минерал ўғит солиб кетадиган мослама билан таъмин этиш лозим.

Ҳамма экиш агрегатларида уруғ ташлаш кетувчи сошникларнинг аниқ жойланишини, экиш дисклариниг ва узатиш механизмларининг тўғри созланганини текшириш керак. Ўлчов симларидаги шайбалар ва барабанларнинг тўғри жойланишини текшириш лозим.

Яқин кунлар ичида экиш агрегатлари экипажларининг ўқишишини тугаллаш даркор. Уларнинг квадрат-уялаб экиш ва уяларга белгиланган миқдорда уруғ ташлаб кетиш техникаси бўйича билимини текшириб кўриш лозим. Чигит экишни қисқа муддатларда — 6-8 кунда ўтказиш мақсадга мувофиқ. Чигит яхши ишланган, бегона ўтлардан тозаланган, нам етарли бўлган қизиган тупроққа мўлжалланган чуқурликка ташлаш керак. Ўсимлик касалликлари билан зарарланган участкаларга экиш олдидан ерларга минерал ўғит солиш билан бирга белгиланган нормада гексахлоран сепиш муҳим аҳамиятга эга.

МЕҲНАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Шу яқин кунлар ичида барча звеноларни ишчи кучлари, техника, уруғлик, минерал ўғитлар, химикатлар ва бошқа моддий-техника воситалари билан таъминлашни тугаллаш, ҳамда буни совхоз бўйича қарорда расмийлаштириш керак. Программа асосида звеноводлар ва бригадирлар билан семинарлар ўтказишни якунлаш, барча звеноларда технологик карталарни ишлаб чиқишни туғаллаш лозим.

Барча комплекс механизациялашган звеноларнинг технологик картада кўрсатилган миқдордаги минерал ўғитларни ўз вақтида ташиб олишини ва уни экиш олдидан ҳамда экиш билан бир вақтда ерга солишини йўлга қўйиш керак.

Далада ишлаётган тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналарига техника хизмати кўрсатишни талаб этилган даражада олиб бориш ишга фақат фойда келтиради.

Дала ишларида банд бўлган совхоз ишчилари учун зарур маданий-маиший шароитлар яратиб бериш зарур.

★

Суратда: агрозоотехника советининг биринчи йиғилиши. (Ўртада) совхознинг бош агрономи ўртоқ Р. Абдурахмонов йиғилганларга советнинг вазифаларини тушунтириб бермоқда.

В. Салов фотоси.

ЛЕНИН ЖУМАЛИКЛАРИ

Коммунизм қурилишида унинг моддий-техника базасини яратиш бош вазифадир. Меҳнатга, жамиятдаги ўз бурчига коммунистик онгли муносабатда бўладиган кишини тарбиялаш ҳам ҳозирги вақтда жамиятимиз олдида турган яна бир муҳим вазифа ҳисобланади. Коммунистик ахлоқ принциплари хўжалик ютуқларимиз кўпая бориши билан ўз-ўзидан кишилар онгида қарор топмайди. Бунинг учун катта ғоявий-тарбиявий ишларни амалга ошириш лозим. Партия ходимлари эса Ленин айтганидек, омма орасида яшашлари, унинг кайфиятини билишлари, ҳамма нарсани билишлари, оммани тушунишлари, унга ёндоша билишлари, унинг тўла ишончини қозонишлари, оммадан, бутун меҳнат армияси авангардидан сира ажралиб қолмасликлари лозим.

Ленининг бу талаби ҳозир ҳам ўз актуаллигини йўқотгани йўқ. Шунинг учун ҳам партия бутун ташкилотчилик ва идеология ишини узвий бирга қўшиб олиб бориш масаласини муҳим вазифа қилиб қўймоқда. Раҳбар ходим ўз ғоявий интилишлари, сўзи ва иши, шахсий намунаси билан ўрнак бўлиши, кишиларнинг ижодий ташаббусини ривожлантиришда партияга актив ёрдам бериши, уларнинг кундалик турмуши, уй-жой шароитлари ва бошқа ҳаётий масалалар билан қизиқиши керак.

Шу жиҳатдан олганда партия, совет ва хўжалик ходимларининг меҳнаткашлар билан учрашувлари катта аҳамиятга эга бўлиб, бу — ишлаб чиқариш, турмуш маданияти ва бошқа соҳаларда белгиланган тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш, камчиликларни ишчанлик билан тугатиш имконини беради.

Шаҳар ва район партия комитетлари КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми ва КПСС Марказий Комитети секретариатининг «Тошкент шаҳар партия ташкилотининг раҳбар кадрлар билан ғоявий-тарбиявий иши тўғрисида»ги қарорларини амалга ошира бориб, меҳнаткашлар ўртасидаги омманинг сиёсий ишларни бирмунча яхшиладилар.

Раҳбар ходимларнинг меҳнаткашлар билан, уларнинг меҳнати ва турмуши билан янада яқинроқ алоқа қилиши мақсадида шаҳар партия комитети қарори билан ҳар ойнинг учинчи ҳафтасида «Ленин жумаликлари» ўтказилмоқда. Шу кунлари иш куни тугагач, республика, область ва шаҳарнинг раҳбар партия, совет ва хўжалик ходимлари корхона, қурилиш ва муассасаларга бориб, ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар билан учрашадилар.

Ана шундай жумаликларда кишилар мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг муваффақиятлари, халқаро аҳвол тўғрисида суҳбат ва лекциялар тинглайдилар. Раҳбар ходимлар ишлаб чиқариш ва маданий маиший хизмат масалалари билан танишиб, ишчи ва хизматчиларнинг талабларини ўрганадилар, уларга турли хил масалаларни ҳал қилишда амалий ёрдам берадилар.

Шу йил январь ва февраль ойларида қатор корхона, қурилиш ва муассасалар коллективлари билан ўтказилган учрашувлар СССР Олий Совети V сессиясининг қарорлари, 1964 йилда мамлакатимиз ва республикамизда халқ хўжалик планларининг бажарилиш якунлари ва 1965 йил Давлат планлари ҳамда шаҳар хўжалигининг ривожланиши масалаларига бағишланди.

Масалан шаҳар ижроия комитетининг раиси Х. Асомов Фрунзе районида ўтказилган «Ленин жумаликлари»да шаҳар хўжалигининг ривожланиши ва ободончилик ишлари, шаҳарнинг яқин келажакдаги истиқболи тўғрисида сўзлаб берди. Ленин район партия комитетининг секретари М. С. Лебединская Ўзбекистон Фанлар Академияси полимерлар институти ходимлари билан учрашиб, илмий-тадқиқот институтларининг аҳолини атеистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги роли ва вазифалари ҳақида суҳбатлашди.

Шунингдек, шаҳарнинг Октябрь, Ленин, Фрунзе, Чилонзор, Киров ва Куйбишев районларида шу йилнинг икки ойи мобайнида юздан ортиқ ана шундай учрашувлар бўлиб ўтди. Уларда жаъми 150 мингдан ортиқ ишчи ва хизматчи иштирок қилди.

Учрашув қатнашчилари суҳбат ва лекциялар давомида партия, совет ва хўжалик раҳбар ходимларига жуда кўп саволлар билан мурожаат қилишди, қатор қимматли таклиф ва мулоҳазалар билан чиқишди. Кўпгина ҳолларда ишлаб чиқариш, транспорт, уй-жой қурилиши, маданий-маиший хизмат ва савдо соҳаларига оид талай масалалар учрашув жойининг ўзида ҳал қилинди. Кишилар ана шу хилдаги учрашувларни мамнуният билан маъқуллаётирлар.

Шаҳар корхоналарида «Ленинча жумаликлар» ўтказиш тажрибаси омма орасида сиёсий иш олиб боришнинг янги мақбул формаларидан бири эканлигини ҳаёт тасдиқлади. Бу — омма билан мустаҳкам алоқада бўлиш, оммани коммунистик қурилишнинг янги ғалабалари сари отлантириш тўғрисидаги ленинча васиятларни амалга оширишда муҳим омилдир.

Ш. ҲОЛМУҲАМЕДОВ.
Тошкент шаҳар партия комитетининг инструктори.

БИЗНИНГ ДУСЯ ОПА

Аччиқ қиш изғирини цехларнинг музлай бошлаган катта-катта деразаларига, хиёбонинг икки четида маъюс бош эгиб турган қарағай дарахтларига шиддат билан урилади. Завод ҳовлисининг ўртасидан кесиб ўтган йўлкадан чигит экиш агрегатларини шатакка олган тракторлар ғизиллаб ўтиб қолади.

Сирғанчиқ йўлка чеккасидан бораётган аёл пальтосининг қундуз ёқасини кўтариб олди. Қарши томондан келаётган бир тўда ёш-ялангач аёлни кўриб, салом беришди.

— Ассалом, Дуся опа!

— Дуся опа, бизнинг цехга борасизми?

— Бораман, синглим бораман... — Дуся опа шундай деди-ю, жилмайиб ўтиб кетди.

... У марказий лабораторияга кириб келганида тушлик бўлай деб қолган эди.

— Қаранг, йигитлар, қизлар, деталларнинг ҳарорати меёридан камайиб кетибди-ку!

Лаборант йигит-қизлар СТХ-4 селялкасининг ҳозиргина қолипдан чиққан деталини микроскоп остига олиб текшира бошлашди.

— Кўрдингизми, деталь қуйилаётганида ҳарорат пасайиб кетгани учун унинг механик хоссаси ўзгариб қолган.— Дуся опа шундай деддию, қолган деталларни лаборантларга топшириб, ўзи қуюв цехига йўл олди.

Бу цех унга кўпдан таниш. Бундан 20 йил илгари «Ўзбексельмаш» заводига ишга келганида ҳам шу цехдаги алангали механт романтикасини кўриб ҳаяжонланган эди. Дуся (асли исми Турсуной бўлса ҳам болалар уйида эркалатиб шундай деб аташар эди уни) тиришқоқ шогирдлардан чиқиб қолди. Тез орада токарлик ҳунарини ўрганиб олди.

Кунлардан бирида цех мастери деталь йўнаётган Дусянинг ишини кузатиб туриб, шундай деди:

— Цехдан кетадиган бўлдинг, Нурматова!

— Нима?— Дуся ҳайрон бўлиб мастерга тикилиб қолди.— Нимага? Қаёққа?

— Ўқишга!— мастер Дусяни хотиржам қилиб қўйиш учун жилмайди.— 6 ойлик малака ошириш курсига бориб ўқиб келасан.

Дуся камолат зинапояларидан битта-битта кўтарила бошлади. Билимли, тажрибали ишчи бўлиб етишди. Уни завод марказий лабораторияси ҳузуридаги механика лабораториясига ўтказишди. Энди у завод дарвозасидан чиқаётган ҳарбир машинанинг сифати учун жавоб беради.

Ҳар йил, ҳарбир фасл кишининг ҳаёт йўлида ўз изини қолдиради. Лекин баъзи йиллар одам хотирасида айниқса ўчмас таассурот қолдириб кетади. 1960 йили Турсуной Нурматова Ленин ордени билан мукофотланди. Дуся опанинг ўзи айтишича, гўё у ҳеч қандай қаҳрамонлик кўрсатмаётгандай кундалик ишларни бажариб юргандай туйилади. Лекин ана шу кундалик ишларнинг ўзида мисли кўрилмаган қаҳрамонлик сингиб кетган.

У кундалик ишларидан ташқари район Советининг депутатлигини ҳам, заводдаги болалар тарбияси комиссиясининг раислигини ҳам бажаради. Шу ишларнинг ҳаммасига вақт топа олади.

— Бизнинг Дуся опамиз! Ўзимизнинг опамиз,— дейишади ёшлар.

Рост, Турсуной Нурматова ёшларга ўстоз, тенгдошларга намуна бўлянти.

Ж. ПИРМУҲАМЕДОВ.
«Ўзбексельмаш» заводининг инженери.

БЕДАЧИЛИККА ЭЪТИБОРНИ КУЧАЙТИРИНГ

Қишлоқ хўжалигимизни, жумладан пахтачилик ва чорвачиликни интенсив ривожлантиришда беда ҳосилларини кенгайтириш, беда ҳосилдорлигини ошириш ҳам катта аҳамиятга эгадир. Яқинда Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Республика Министрлар Совети беда ҳосилларини кенгайтириш тўғрисида махсус қарор қабул қилдилар. «Кўп йиллик тажриба, илмий муассасаларда тўпланган маълумотлар, илғор хўжаликларнинг тажрибалари шуни кўрсатадики, — дейилади қарорда, — Ўзбекистон ССР шароитида беда пахтанинг энг яхши йўлдоши, ернинг унумдорлигини оширишнинг, минерал ўғитлар самарасини кучайтиришнинг ва сувдан яхши фойдаланишнинг энг яхши ва қулай воситаси ҳисобланади.

Беданинг таъсири билан пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 5—10 центнер, орик, унумсиз, айниқса янгидан ўзлаштирилган ерларда бир ярим-икки баравар ошади. Беда ерни азотга бойитади, унинг физик хусусиятини яхшилайди, шўрнинг йўқолишига ва ғўзанинг вильт билан касалланишини камайтиришга имкон беради. Айни вақтда беда таркибида кўп миқдорда оқсил, каротин ва витаминлар бўлган яхши осуқа ҳамдир».

Шундай экан, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, агрономлар беда чиликка эътиборни кучайтиришлари зарур. Мана, баҳорги экиш ишлари ҳам бошланиб кетди. Илғор хўжаликларда беда баҳорикор арпага аралаштириб экилаяпти. Яқин кунлар ичида бу иш кенг авж олдирилади. Беданн ўз вақтида сифатли қилиб экиб олиш деҳқонларимизнинг ҳозирги кунлардаги энг муҳим вазифаларидан биридир.

Бедадан юқори ҳосил олиш учун ишни экишдан бошлабоқ пухта қилиш керак. Беда экилиб бўлгач, агар ёмғир кўп ёғса, ерда қатқалоқ ҳосил бўлади. Уни йўқотиш учун далани енгил борона билан ёки ротацион юмшатгич билан бороналаш зарур. Агар қатқалоқ йўқотилмаса уруғ ердан ниш уриб чиқолмайди. Қатқалоқни йўқотиш имкони бўлмаган тақдирда далани яхшилаб суғориш лозим. Шунда қатқалоқ ўз-ўзидан йўқолади. Ўсимлик униб чиққач, ҳашаротларни ва бегона ўтларни йўқотиш юзасидан бирмунча ишлар қилинади. Керак бўлган тақдирда ёш ўсимликларни яна суғориш зарур.

Беда ерга илдиз отгач, бегона ўтларга қарши кураш бошланади. Агар даланя қалин ўт босган бўлса, уни ўриб олинади. Бир йиллик, беда фитономус билан қаттиқ зарарланади. Бунинг олдини олиш учун ДДТ препарати ёки гексохлоран билан икки-уч марта дорилаш лозим. Шундагина беда пичани тўла сақлаб қолинади.

Бегона ўтлар беда пичанининг озуқа моддаларини камайтириб юбормаслиги учун уни ўсимлик энди гуллай бошлаган пайтда ўриб олиш керак. Кейинги йили эса беданинг ўзи бегона ўтларни сиқиб, уларга «кун бермай қўяди».

Бир йиллик беданн уч марта ўриб олиш мумкин. Биринчи ўримда гектар бошига 15—20 центнердан пичан олса бўлади. Иккинчи ўримгача беда тез ўсади ва унинг ҳосилдорлиги 20—30 центнергача етади. Учинчи ўримда эса иккинчи ўримдагига нисбатан 10—15 центнер камаяди. 2—3 йиллик беданинг биринчи ўримида олинган пичан озуқа моддаларига жуда бой бўлади.

Икки ва уч йиллик бедапоялариннг парвариши ер эрта баҳорда дискаланиши ёки бороналаниши билан бошланади. Бу тадбир бегона ўт уруғларини, хашаротларни йўқотишда, тупроқни юмшоқ ҳолда сақлашда катта аҳамиятга эга. Икки йиллик бедани беш мартагача ўриш мумкин. Бунда биринчи ёки иккинчи ўримда энг юқори ҳосил олинади.

Беданинг озуқа моддалари барглардa поялардагига нисбатан икки баравар кўп бўлади. Шунинг учун ўрим-йиғим пайтида ва пичан қуритилаётганида беда баргларининг нобуд бўлишига йўл қўймаслик керак. Агар ўсимлик гуллагунига қадар ва гуллаш даврида беда ўриб олинса, пичан таркибида 13—15 процент оқсил моддаси бўлади. Беда гуллаб бўлганидан кейин ўриб олинганида эса 10—11 процент оқсили бўлади, холос. Ўрим-йиғимнинг кечиктириб юборилиши оқсил моддаларининг бирмунча камайишига сабаб бўлади.

Биринчи ўримдан беда уруғи олиш учун ўсимлик ўсабошлаган пайтда унга камида икки марта ДДТ ёки гексохлоран билан ишлов бериш керак. Бунда ҳар гектар ерга 20 килограммдан дори сепилади. Беда уруғларини фақат махсус ажратилган участкалардагина эмас, балки пичан олишга мўлжалланган қалин бедапоялардан ҳам олиш мумкин. Бунинг учун ҳашарот билан зарарланган ва бегона ўт босмаган икки-уч йиллик қалин бедапояларни танлаш зарур. Эрта баҳорда эса оралиқлари 60—70 сантиметр бўлган жўякларни чопиқдан чиқариш зарур. Бунда чопиқдан олдин ҳар гектар ерга 600 килограммдан суперфосфат солинади.

Деҳқонларимиз шу кунлардаги қулай шароитларни зое ўтказиб юбормасдан, бедапояларни кенгайтиришга, беданн яхши тайёрланган ерларга сифатли экиб олишга алоҳида аҳамият билан қарасалар келажакда яна да яхшироқ натижаларга эришадилар, ўз ерларини янада унумдор қиладилар.

Х. ИБРОҲИМОВА.
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг илмий ходими.

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

Ҳўш, уруғи олинадиган беданн қай вақтда сақлаб қолган маъқул? Одатда колхоз ва совхозларда уруғлик учун иккинчи ўрим бедаси қолдирилади. Чунки Ўзбекистон шароитида беда биринчи ўрим даврида фитономус билан қаттиқ зарарланади. Агар бу зараркунанда йўқотилса, беда уруғи ҳосили албатта биринчи ўримда кўп бўлади.

Биринчи ўримда олинган беда пичани озуқа моддаларига бой бўлади. Бундан ташқари биринчи ўрим-нинг вегетация муддати бирмунча узоқроқ бўлади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
3-БЕТ, 19 МАРТ 1965 ЙИЛ.

АҲОЛИ ВА ШАҲАРЛАР

«Тошкент ҳақиқати» газетхонлари А. Маллабоев (Бекобод райони), Ж. Умаров (Тошкент) ва бошқа ўртоқлар редакциямизга хат ёзиб, дунё аҳолисининг ўсиши ва энг йирик шаҳарларда яшовчи аҳолининг сони ҳақида маълумотлар беришимизни илтимос қилишган. Шу муносабат билан қуйидаги мақолани босаётирмиз.

<> <>

1965 йил 11 мартда ТАСС-нинг Нью-Йорк шаҳридан берган хабарига қараганда, Ер шари аҳолисининг 700 миллиони, шаҳарларда яшаб келмоқда. Бу маълумот, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ҳақидаги ҳужжатида эълон қилинган. 1965 йилнинг бошидаги энг кейинги маълумотларга қараганда Ер шари аҳолисининг умумий сони 3 миллиард 302 миллион кишига етган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ҳақида эълон қилган ахборотида айтилишича, 1950 йил билан 1960 йил орасида, дунёда шаҳар аҳолиси 40 процент ўсган. XX асрнинг бошларида дунё аҳолисининг 9 процентигина шаҳарлар ҳиссасига тўғри келган эди. Шаҳар аҳолисининг камлиги жиҳатидан ҳали ҳам Африка қитъаси ажралиб туради. Африканинг Уганда мамлакатида аҳолиси 20 минг кишига етадиган фақатгина битта шаҳар бор, холос.

Умуман шаҳар аҳолисининг кўпайиши ва янги шаҳарларнинг қурилиши, ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий томондан ривожланишига ҳам боғлиқдир. Масалан, СССРда Совет ҳокимияти даврида 900 та янги шаҳар қурилди. СССР картасида 4700 та шаҳар типидаги янги қишлоқлар пайдо бўлди.

Ер шари аҳолисини ўрганиш, шаҳарлар аҳолиси сонининг ўсишини ҳисобга олиш, умуман, аҳоли масаласига қизиқиш, кейинги йилларда айниқса, кучайди. Ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий ривожланишида аҳолининг роли борлиги олимларнинг бу масалага диққатини тортиб келади.

Олимлар ва тарихчиларнинг тахминий маълумотларига қараганда, бундан 8-10 минг йил илгари, планетамизда 10 миллион киши яшаган. Аҳолининг яна 2 марта кўпайиши учун 2500 йил вақт ўтган. Кейинги 2 марта кўпайиш учун 200 йил вақт кетган. Эрамиз бошланишига яқин ер шари аҳолисининг сони 150-170 миллион кишига етган. Ҳозир ер шари аҳолиси йилига 68 миллион кишига, СССР аҳолиси эса 3,6 миллион кишига кўпаймоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳар йили бир марта чиқадиган демографик ҳужжатига кўра (1963 йил) дунёда энг кам туғилиш Ғарбий Берлинга тўғри келган. Энг кам ўлим СССР ва Исландиядадир.

Дунёда аҳолиси 100 минг ва ундан ортиқроқ бўлган шаҳарлар тахминан 2 мингдан ошиб кетади. Аҳолиси 100 мингдан ортиқ шаҳарлар СССРда 1962 йилда 174 та эди, АҚШда 130, Японияда эса 113 та бўлган. Ваҳоланки, 1800 йилда дунё бўйича аҳолиси бир миллиондан ортиқ бўлган битта ҳам шаҳар йўқ эди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1963 йилда эълон қилган ахборотига кўра аҳоли сонининг кўплиги жиҳатидан Токио дунёда биринчи ўринда туради. Токио аҳолиси 10 миллион 627 минг киши. Нью-Йорк шаҳри иккинчи ўринда, аҳолиси 7 миллион 781 минг 984 киши, шаҳар атрофи билан кейинги маълумотга қараганда 14,1 миллион кишига боради. Учинчи ўринда Шанхай шаҳри туради. Шанхайнинг аҳолиси 6 миллион 990 минг киши. Ватанимиз пойтахти Москванинг аҳолиси эса 6,4 миллиондан ортади. Ундан кейин Бомбей шаҳри бўлиб, аҳолиси 5 миллионга боради. Пекинда 4 миллиондан ортиқ. Буэнос-Айресда 4 миллион, Чикагода 3,6 миллион, Қоҳирада 3,5 миллион, Рио-де-Жанейрода 3,3 миллион, Лондонда 3,2 миллион, Парижда 2,8 миллион киши яшайди ва ҳоказо.

Аҳолисининг сони жиҳатидан Совет Иттифоқида иккинчи ўринда бўлган Ленинград шаҳрида 3 миллиондан ортиқ одам яшайди. Киев аҳолиси 1,2 миллион, Боку 1,1 миллион, Тошкент 1,1 миллион, Горький ва Новосибирск аҳолиси эса 1 миллион кишини ташкил қилади.

Олимларнинг ҳисобларига қараганда 2000 йилга бориб, Ер шарининг аҳолиси 6-6,5 миллиард кишига етади. Дунёда яна кўп шаҳарлар вужудга келади. Бундай шаҳарларни бунёд этиш, бўш ётган кўпгина ерлардан фойдаланишда социалистик система капиталистик система билан иқтисодий мусобақа олиб бормоқда. Бу мусобақа социалистик системанинг устунлигини намойиш қилмоқда.

А. ОМИЛОВ,
Низомий номидаги Тошкент педагогика институти иқтисодий география кафедрасининг старший ўқитувчиси.



Тошкентдаги декоратив боғдорчилик совхози шаҳар кўчаларига экиш учун 500 та игна баргли арча олди. Бу ям-яшил арчалар ёзин-қишин кўм-кўк яшнаб туради. Бу совхони Москва область ўрмон хўжалиги ишчилари юборишган. Суратда: кўчат етиштирувчи Н. Каримов ва агроном Е. Фадеевлар арчаларни кўздан кечирмоқдалар.

В. Сироткин ва И. Глауберзон фотоси.

Мамлакатлар Одамлар Воқеалар

РЕПРЕССИЯЛАР ТЎХТАТИЛСИН

ХАНОЙ, 16 март. (ТАСС). Кеча Вьетнам Халқ Армиясининг олий қўмондонлиги Вьетнамдаги кузатувчи ва контрол қилувчи халқаро комиссияга мактуб юбориб, Қўшма Штатлар ва унинг Жанубий Вьетнамдаги малайлари Вьетнамдаги тинчлик ҳаракати қатнашчиларини қувғин қилаётганлигига қарши норозилик билдирди.

Вьетнам информация агентлигининг хабарида айтилишича, мактубда бундай дейилади: сўнгги вақтларда Сайгон маъмурияти АҚШнинг йўл-йўриғи билан иш тутиб, Жанубий Вьетнамнинг кўпгина шаҳарларида кенг кўламда репрессиялар кампаниясини бошлаб юборди. Кўпгина ақлий меҳнат ходимлари, студентлар, жамоат арбоблари ва журналистлар тинчлик ҳаракатида қатнашганликлари ва Жанубий Вьетнамдаги урушнинг тўхтатилишини талаб қилганликлари учун қамоқларга ташланди.

Бу террористик ҳаракатлар, дейилади мактубда, Сайгон маъмурияти Америка империалистларининг Жанубий Вьетнамдаги агрессив урушни кенгайтириш борасидаги планларини амалга ошириш мақсадида ҳеч қандай фашистик методлардан таб тортмай, демократик эркинликларни оёқ ости қилишга ва Жанубий Вьетнам аҳолиси барча табақаларининг тинчликка интилишини бўғиб қўйишга уринаётганлигини кўрсатувчи яна бир далилдир.

Олий қўмондонлик мактуб охирида АҚШ ва Сайгон маъмурияти қамоққа олинган кишиларни бўшатсин ҳамда халққа демократик эркинликларни гарантиялаб берсин, деб талаб қилди.

НИКОЛАЙ ХОХЛОВ МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

«Известия» газетасининг Африка мамлакатларидаги мухбири Николай Хохлов Конго қамоқхоналарида бир ярим ой ғайри қонуний равишда сақлаб турилгандан кейин, Совет ҳукумати кўрган чоралар ва халқаро жамоатчилик билдирган норозиликлар натижасида озодликка чиқарилди ва 16 мартда Москвага қайтиб келди.

Совет журналисти 29 январда Конго охранкаси томонидан Леопольдвильда қамоққа олинди. Унга Конго пойтахтида яширинча яшаб турибди, деган айб қўйилди. Бироқ, бу айб бошидан охиригача ёлғон бўлиб чиқди. Н. Хохловнинг паспорти қонунга бутунлай мувофиқ бўлиб, Конгода туриш ҳақида унга берилган ижозат муҳлати олти ойга тенг эди ва 1965 йил апрель ойида тугар эди.

Конго охранкасининг ғайри қонуний ҳаракатларига қарши норозилик белгиси сифатида совет журналисти очлик эълон қилди. У ўзи ушлаб олиниб, сўроқ қилиш учун полициянинг Луфунгула лагерига жўнатилган пайтдан бошлаб овқат олишдан бош тортди.

Совет ҳукумати Н. Хохловнинг дарҳол озодликка чиқарилишини талаб қилди. Конго ҳукумат маъмурларининг сурбетларча иғвогарлиги ва кўпол бебошлигидан журналистлар жамоатчилигини эмас, шу билан бирга, барча софдил кишилар ҳам дарғазаб бўлдилар. Жумладан, СССР Журналистлар Союзининг баёнотида бундай дейилган эди: Совет Иттифоқининг журналистлар жамоатчилиги Н. Хохловнинг ғайри қонуний суратда қамаб қўйилганлигини халқаро нормаларни жуда кўпол равишда бузиш, матбуот ва ахборот эркинлигини оёқ ости қилиш, империалистик кучлар ўз озодлиги учун курашаётган Конго халқининг ишларига жинояткорона аралашаётганлиги ҳақидаги ҳақиқатни афкор оммадан яширишга уриниш, деб баҳолайди.

Шереметьево аэродромида «Известия» ва «Правда» газеталари редколлегияларининг аъзолари ва шу газеталарнинг ходимлари, Н. Хохловнинг қариндош-уруғлари ва ёру биродарлари, ТАСС, АПН, радио, телевидение вакиллари, чет эл мухбирлари совет журналистини самимий кутиб олдилар. (ТАСС).

ТУРКИЯ ҲУКУМАТИНИНГ ТАДБИРЛАРИ

ИСТАМБУЛ, 16 март. (ТАСС). Маҳаллий матбуотнинг хабарларида айтилишича, кеча Туркия қуролли кучларида фавқулодда ҳолат эълон қилинди ҳамда қуруқликдаги қисмларда, ҳарбий — ҳаво ва ҳарбий-денгиз қисмларида бериладиган ҳамма отпускалар бекор қилинди. Сўнгги кунларда Кипрда кипрлик греклар билан турклар ўртасида тўқнашувлар бўлиб ўтганлиги сабабли ана шу чоралар кўрилди. Туркия флоти ўзининг Изниқдаги базасидан ўрта денгизга чиқди.

Туркия бош штабининг бошлиғи генерал Сунай, қуруқликдаги кучлар қўмондони генерал Турал ва иккинчи армия қўмондони генерал Гекакин ҳарбий қисмларни назоратдан ўтказиш учун Искандарунга келганликлари ҳам хабар қилинади.

«Оқшом» газетасининг хабарида айтилишича, Туркия бош министри Ўргуплу кеча миллий хавфсизлик кенгашининг бош секретари генерал Улғинали, Кипрдаги турклар жамоасининг раҳбари Рауф Денгтош ва илгари Кипр миллий мудофаа министри лавозимида ишлаган Орслан Орек билан кенгаш ўтказган.

Бугун эрталаб бош министр Ўргуплу раислигида Туркия ҳукуматининг мажлиси бўлди. Туркия радиосининг хабар беришича, мажлисда Кипрдаги аҳвол муҳокама қилинган.

8 МИНГ ИМЗО

НЬЮ-ЙОРК, 16 март. (ТАСС). Бугун Гёрмания Федератив Республикасининг Мельбурндаги (Австралия) консули Курт Хенселга 8 минг кишн имзолаган ариза топширилди. Ассошиэйтед пресс агентлиги мухбирининг хабар беришича, нацист ҳарбий жиноятчиларни суд жавобгарлигига тортиш вақтида уларга нисбатан муҳлати ўтди, деган принципни татбиқ этмаслик Германия Федератив Республикасининг ҳукумат маъмурларидан шу аризада талаб қилинади.

БМТ Осиё ва Узоқ Шарқ иқтисодий комиссиясининг сессияси очилди

КАМБЕРРА, 16 март. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Осиё ва Узоқ Шарқ иқтисодий комиссиясининг навбатдаги йиллик сессияси Янги Зеландия пойтахти Веллингтонда очилди. Сессия ишида қирққа яқин мамлакатнинг вакиллари, шу жумладан Совет Иттифоқи делегацияси ҳам қатнашмоқда. Икки ҳафта ичида улар Осиё ва Узоқ Шарқ халқларининг турмуш даражасини ошириш масалаларини муҳокама қиладилар.

ЎЗБЕК АРТИСТЛАРИ СУДАНДА

ХАРТУМ, 16 март. (ТАСС). Ўзбекистон ССР халқ рақс ансамбли Хартумга келди. Ўзбек артистларининг Омдурмандаги миллий театрда берган биринчи концерти зўр муваффақият билан ўтди. Концертни Судан ахборот министри Солиҳ Маҳмуд Исмоил ва Суданнинг бошқа расмий кишилари ҳам томоша қилишди.

Телетайп ЛЕНТАСИДАН

● Жаҳондаги турли мамлакатларнинг олимлари Бразилия маъмурларининг ўзбошимчалигига қарши қатъий норозилик билдирмоқдалар. Бразилия маъмурлари Бразилиянинг таниқли физикларидан бири Марио Шемберги суд ва тергов қилмасдан ярим йилдан кўпроқ вақтдан буён турмада сақламоқдалар. Япон физикларидан 47 киши француз, америка, итальян, немис олимларининг норозилигига қўшилди.

● Марокаш короли Ҳасан II визит билан Ливия ва Бирлашган Араб Республикасида бўлганидан кейин Работга қайтиб келди. У, Ливия короли Идрис I ва Бирлашган Араб Республикасининг президенти Носир билан сиёсий масалалар юзасидан, шунингдек иқтисодий ва маданий ҳамкорликни кенгайтириш ҳақида музокаралар олиб борди.

● Мельбурн портчиларидан 4 мингдан кўпроқ кишининг забастовкаси портдаги ҳамма докларнинг ишини издан чиқариб қўйди. Забастовка ишчилар билан маъмурият ўртасида пайдо бўлган меҳнат жанжали натижасида рўй берди.

● Бразилиянинг Сан-Пауло шаҳрида Гуанабара штатининг собиқ вице-губернатори Элой Дутра қувғинда қайтиб келиб, самолётдан тушиши биланоқ қамоққа олинди.

● Японияда Хонсю оролининг шимолий қисмида ва Хоккайдода 17 мартда қаттиқ зилзила бўлганлиги қайд қилинди. Зилзиланинг маркази Аомори префектурасининг тинч океан соҳилидадир.

● Аргентинанинг Комородо-Ривадавиа портида кучли ёнғин рўй берди. Портдаги 8 кема жиддий шикастланди. Нефть ортилган танкер портлаши натижасида ёнғин чиқди.

(ТАСС).

Совет парламенти аъзоларининг Сьерра-Леоне ҳақидаги таассуротлари

СССР Олий Советининг Сьерра-Леонега бориб келган делегацияси аъзолари 16 март кечқурун марказий телевидение орқали гапирдилар. Совет парламенти аъзолари бу мамлакатга жавоб визити билан бориб, у ерда давлат ва жамоат арбоблари билан учрашдилар ва суҳбатлашдилар, мамлакат бўйлаб сафар қилдилар.

Делегация бошлиғи, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси З. Н. Нуриев бу визитнинг муваффақиятли ўтганлигини айтиб, Африкадаги ана шу ёш мамлакатнинг оддий меҳнаткашлари билан ўтказган учрашувларимиз ва суҳбатларимиз айниқса ёркин таассурот қолдирди, деди. Мамлакат аҳолисининг кенг табақалари совет халқининг ҳаётига, Советлар мамлакатининг экономика ва маданият соҳасидаги ютуқларига зўр қизиқиш билан қарамоқдалар.

СССР Олий Совети депутатларидан Л. М. Дабитадзе, П. В. Кованов, А. Г. Нажа ва А. — И. В. Паштукаслар ҳам сафардан олган ўз таассуротларини гапириб бердилар. (ТАСС).

ЖАЗОИР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЖАЗОИР, (ТАСС). Республика президентининг «Жазоир Халқ Демократик Республикасининг расмий ахборотномаси»да эълон қилинган фармонига биноан, Жазоирда халқлар билан дўстлик миллий институти тузилди.

КИПРДА ОТИШМА

НИКОЗИЯ, 16 март (ТАСС). 16 мартга ўтар кечаси Кипрда, турклар яшайдиган Левка қишлоғидан сал нарироқда кипрлик греклар билан турклар ўртасида отишма бўлиб ўтди. Отишма натижасида миллий гвардиянинг солдати бўлган бир грек ўлдирилди.

Сўнгги кунларда Кипрдаги аҳвол чатоқлашиб бораётганлиги муносабати билан Кипр матбуоти халқни ҳушёрлик ва матонат кўрсатишга чақирмоқда. «НАТО империалистларининг кипрликларнинг Кипр проблемасини тинч бартараф этиш ҳақидаги умидларини бутун воситалар билан пучга чиқаришдан бўлак муддаоси йўқ», — деб огоҳлантиради «Харавги» газетаси.

«ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ»
4-БЕТ, 19 МАРТ 1965 ИИЛ.

СПОРТ ЯНГИЛИКЛАРИ

⊙ Шашка бўйича Урганчда хотин-қизлар ўртасида ўтказилган республика мусобақалари тугади. Тошкентлик В. Савельева турнирни мағлубиятсиз ўтказиб 11 имкониятдан 9 очко тўплади ва Ўзбекистон чемпиони деган юксак унвонга эга бўлди.

⊙ Бокс бўйича зонал мусобақалар ғолиби Ўзбекистон терма командаси аъзолари Т. Ғуломов, Е. Рерстнев, И. Будман, М. Каримов, А. Топчий ва Х. Содиқовлар Москвага жўнаб кетишди. Улар эртага бошланадиган СССР биринчилигининг финал мусобақаларида олтин, кумуш, бронза медаллари учун курашишади.

⊙ Марказий шахмат-шашка клубида шахмат бўйича СССР спорт мастери унвонини олиш учун И. Бирбрагер ва киевлик спорт мастери И. Платонов ўртасида учрашув бўляпти. Ҳамшаҳримиз саккизинчи партияда рақибини мағлубиятга учратиб, ҳисобни тенглаштирди. Тўққизинчи партия кечиктирилди. Ўнинчи ва ўнбиринчи партиялар эса дуранг бўлди. Ҳозирча умумий ҳисоб 5:5.

П. КОНОВАЛОВ.

ЖЕНЬШЕННИНГ ШЕРИГИ

Шифобахш женьшень илдизи беш минг йил одамлар эътиқод қўйиб келган ва уруш-жанжалларга сабаб бўлган нарса эди. Давлат бошлиқлари ҳурмат белгиси сифатида уни ўз қўшиларига олиб боришган. Медицина тарихи женьшендек юқори баҳоланган ва қанчадан-қанча қон тўкилган ҳеч бир дори-дармонни билмайди.

«Вечерний Новосибирск» газетасининг хабар беришича, токсикология лабораториясининг бошлиғи И. Брехман элеутерококк илдизидан олинган экстракт женьшеннинг барча хусусиятларига эга эканлигини аниқлади. Элеутерококк тиканли ўсимлик бўлиб, тайгада ҳар қадамда учрайди. Ҳозир бу ўсимликнинг запаслари тахминан 100 минг тоннага боради.

Оддий тайга ўсимлиги аудиториялар, лабораториялар, клиникаларда синаб кўрила бошланди. Ленинградда унинг атеросклерозга таъсирини ўрганмоқдалар. Москвада диабетга қарши, Винницада эса бодга қарши шифобахш томонлари ўрганилмоқда.

— Элеутерококк ариларнинг тез кўпайишига ёрдам беради, — деди И. Брехман. — Агар бу ўсимлик илдизи билан товуқларни боқилса, кўп тухум олиш мумкин. Инкубатор жўжалари тез катта бўлиб, соғлом етилади.

(АПН).

ОРЕНБУРГ ДАШТЛАРИНИНГ ЭНГ КЕКСА ЧЎПОНИ

Оренбург область Сорочинск районидаги Ўрюм посёлкасида В. Н. Бурцев деган киши яшайди. Василий Николаевич 105 ёшда. У узоқ йиллар мобайнида меҳнат қилиб келди. Василий Николаевич кейинги 30 йил мобайнида Сердлов номли қорақўлчилик совхозида чўпон бўлиб ишлади ва 101 ёшга кирганидагина пенсияга чиқди. Василий Николаевич тетик, соғлом бўлиб, ҳали ҳам меҳнат қилмоқда. (ТАСС).

ЯНА ЕР ҚИМИРЛАДИ

17 мартда маҳаллий вақт билан соат 19.14 минут 26 секундда тошкентликлар яна ер қимирлаганлигини сездилар. Бу ер қимирлашнинг кучи ҳам уч кун аввал бўлган зилзилага тенг — 5 балл бўлди. «Тошкент» сейсмик станцияси ходимлари унинг маркази пойтахтимизга яқин жойда — Қурама тоғларида эканлигини қайд қилишди. У жойда ер 6 баллдан ортиқроқ куч билан силкинди.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

19 МАРТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар**, 18.20 — **Тенгдошлар** (катта ёшдаги мактаб ўқувчилари учун), 18.50 — **Пиллачиларнинг баҳор ташвиши** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун), 19.05 — **Бадний фильм.**

Рус тилида: 20.30 — **Солдат бадний ҳавасқорлиги**, 21.30 — **Интеграл ва рақслар орасида** («Ёшлик» студияси), 22.15 — **Телевизион янгиликлар**, 22.25 — **Композитор Александра Пахмутова** («Ленин мукофоти номзодлари» циклидан).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.05 — **Биринчи синфимизда** (болалар учун), 18.25 — **Африка учрашувлари** (ҳужжатли фильм), 18.45 — **Тошкент янгиликлари**, 18.55 — **Шимолий ерда** (илмий-оммабоп фильм), 19.15 — **Пазухининг ўлими** (бадний фильм).

Ўзбек тилида: 20.35 — **Райком аъзоси** (телеочерк), 20.55 — **Тошкент янгиликлари**, 21.05 — Ғалаба кунининг 20 йиллиги. **Асрлар оша яшар мардлар шуҳрати**, 21.30 — **Концерт** (якка созандалар ижросида).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 19/III да **Франческа Да-Римини, Соллар**, СССР халқ артисти Г. **Измайлова** ижросида концерт бўлими 20/III да **Дилором.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 19/III да **Мирзо Улуғбек**, 20/III да **Қутлуғ қон.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 19/III да **Тошболта ошиқ**, 20/III да **Ёшликда берган кўнгил.**

КИНО

Можаро — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 5, кеч 7, 9 ва 10 яримда.

Қора кўзойнак — НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН», «ИСКРА», (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Секретарь қиз — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Австралиялик хотин излайди — «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Стратион қизи — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Оддий аснар Александр Матросов — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 9-40 минутда).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
23, 24, 25, 26 мартда
Ўзбекистон ССР ва Туркманистон ССР халқ артисти
Комилжон Отаниёзов
раҳбарлиги ва иштирокида
ХОРАЗМ АНСАМБЛИНИНГ
концертлари

Концертларда: Бутуниттифоқ ёшлар ва студентлар фестивали лауреати **Отажон Ражабов**, солистлардан **Олмахон Ҳайитова, Гулчеҳра Исмоилова, Шариф Султонов, Жуманиёз Собиров, Отаназар Абдалниёзов, Раъно Жуманиёзова, Ражаб Исмоилов, Отабой Ҳасанов**, ўзбек халқ чолғу ансамбли қатнашади.

Концерт кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
мактаб ўқувчиларининг баҳорги каникул кунларида
24 мартдан 31 мартгача
катта
цирк томошалари
Ленин орденли Москва давлат циркининг қизиқчи артистлари (1964 йилги цирк номерларига кўрик конкурси дипломантлари) иштирокида
«ҲАЗИЛНИ ҚЎЙИНГ»
томоша,
Ўргатувчи **Изабелла Адаскина** қўл остида
ГИМАЛАЙ ВА ҚЎНҒИР АИИҚЛАР ва бошқа номерлар.
Томошалар кундуз соат 12, 3 ва кеч 8 да бошланади. Олдиндан билет сотувчи касса эрталаб соат 11 дан кеч 6 гача ишлайди.

Кинофильмлар прокати Ўзбекистон конторасн
КИНОТЕАТРЛАР ЭКРАНИГА ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР ЧИҚАРАДИ:

МЕН—КУБА

(икки серияли фильм)



Сценарий авторлари — **Евгений Евтушенко, Энрике Пинеда Барнет.**

Постановкачи — **Михаил Калатозов.**

Ролларда:
Серхио Корриери, Сельвадор Вуд, Хосе Гальярдо.

«Мосфильм» (СССР), «ИКАИК» (Куба) киностудиялари ишлаган.

ТИРИКЛАРГА МАКТУВ



Сценарий автори — **А. Кучар.** Постановкачи режиссёр—**В. Виноградов.**

Ролларда:
С. Макарова, В. Никулин, П. Махотин, А. Кайриш.
«Беларусьфильм» киностудияси ишлаган

БЕГОНА

(икки серияли ғайри экранли фильм)

Сценарий автори — **Титус Попович.**

Режиссёр — **Михай Яноб.**

Ролларда:
Ш. Иордане, И. Петреску, Ш. Кантакузино.
Руминиянинг «Бухарест» киностудияси ишлаган.

СУРАТДАГИ ОДАМ

Югославия фильми.

Сценарий автори — **Драгослав Илич.**

Режиссёр — **Владимир Погачич.**

Ролларда:
Никола Милич, Оливера Маркович.

Гражданлар диққатига!

Машиний хизмат кўрсатиш бошқармасига қарашли
«МЕТАЛЛОБИТРЕМОНТ» КОМБИНАТИНИНГ
қуйидаги
УСТАХОНАЛАРИДА
гарантияли ремонт
ИШЛАРИ БАЖАРИЛАДИ:

Ҳамза кўчаси, 7-уйда — **Ватанимизда ишлаб чиқарилган ва чет эл тикув машиналари;**

Марказий бозорда — **терморегуляторли ва ҳўлайдиган мосламали электр дазмоллари;**

Олой бозорида — **«Д-4» ва «Д-5» велосипед двигателлари.**

Бундан ташқари, Шаҳрисабз кўчаси, 63-уйда

шиша консерва банка қопқоқлари тикланади.

Комбинатнинг шаҳар районларида жойлашган устахоналарида комбинат материалидан:

«раскладушка» кроватлар, ремонт қилинади,

печь коробкалари, духовкалар, печь трубалари ва тирсаклари, турли катта-кичикликда хонадонлар, маҳаллий патнислар, турли катта-кичикликда никелли карнизлар, металл панжаралар, мозор ёдгорликлари, лавҳалари ва бошқа буюмлар

тайёрланади.

Зарур масалаларда мурожаат қилиш учун адрес: Тошкент шаҳар, Лугун кўчаси, 88-уй, телефон 3-41-85.

896-КУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА
йўл ишчилари, бетончилар, ёрдамчи ишчилар
КЕРАК

Эркак ва хотин-қизлар ётоқхонаси бор.

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Янгийўл шаҳри (8-гишт заводлари бошқармаси территориясида).

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома, горкома КП Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, Лавлаги Восток кўчаси, 26уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, Редактор ўринбосари — 25885. Масъул секретарь — 34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари—31936. Партия турмуши бўлими—26232. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 28761. Ахборот ва спорт бўлими — 33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р.08533. Индекс 64969. Нашр. № 1721.